

**Ғижжак чолғуси***Наманган вилоят тарихи ва маданияти**давлат музейи илмий ходими***Г.Валиева**

Ўзбек халқ чолғу асбобларининг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Қадимий мўътабар манбаларда туркий халқлардан моҳир созандалар, хонандалар етишиб чиққани қайд этилган. Араб халифалари ўз саройларига Ўрта Осиё ва Хуросондан кўплаб чолғувчи эркақ, аёл хонанда ва созандаларни келтирас эдилар. 7-асрда марвлик хонанда, созанда, бастакор, шоир Борбаднинг довруғи кенг тарқалиб кетган эди. Унинг маҳорати Дехлавий, Низомий, Навоий ва Фузулий каби буюк шоирларнинг асарларида келтирилган. Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома”сида ҳофиз Борбаднинг санъатини маҳорат билан таърифлайди.

Сарв узра бир нағма тараалди гўзал  
, Ҳар банди кўнгилга пайванд бир ғазал,  
Майин овоз билан бошлаб хонишин,  
Ҳофиз ифодалар юрак ёнишин.

Фирдавсий хатто баъзи куйларнинг номларини келтиради” Пайкоргурд”, ”Сабздарсабз” куйлариниг ҳар бири маълум бир ҳолатни ифодалashi тасвирланган. Ҳофиз кашф қилган ўрдак сийнасига ўхшаш чартма торли соз Шарқда “Барбат” номи билан машҳур бўлган . “Барбат”га ўхшатиб кўпгина торли созлар яратилгани тарихий асарларда айтиб ўтилган. Уд сози ҳам “Барбат”нинг такомиллаштирилган шаклидир. Камонли чолғу асбоблари ҳам қадим-қадимдан маълум бўлган. Немис мусиқашунос олими Вернер Бахманнинг таъкидлашича , Ўрта Осиё камонли созларнинг ватанидир.

-асрдан бошлаб Ўрта Осиё манбаларида қобуз чолғу сози бир неча бор таъкидланади., деб ёзади Вернер Бахман Шу жиҳатдан унинг

форс ёзувчиси Ибн Хоррададбех ва икки торли халқ чолғу асбоби “Ватар” тұғрисидаги маълумоти дикқатга сазовордир. Тахмин қилинишича “Ватар камон билан чалиниб, аслида қобуз бўлса керак дейилган. Дарвиш Алининг рисоласида қобуз жуда яхши нағма таратиши ҳақида маълумот келтирилган. Хоразмий, Беруний, Фаробий, Ибн Сино каби буюк олимлар мусиқий фани ривожига ҳисса қўшдилар Уларнинг мусиқага оид рисолаларида камонли чолғулар тафсилоти берилган. Фаробий ўзи уд, най, қонун, танбур каби созларни яхши маҳорат билан ижро этиб, тингловчиларни мафтун этарди. Бу борада мусиқашунос Т. Гофурбековнинг “Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества” (Тошкент. Ўқитувчи, 1984) китобида қизиқарли маълумот берилган. ”Зийнат ал-мажолис тазкирасида ҳикоя қилинишича Фаробий Рай шахрида Соҳиб ибн Аббод саройида бўлганида вазир шарафига берилган зиёфатида ўзи ихтиро қилган чолғуда куй ижро этган. Ташқи кўринишидан кичик қовоққа ўхшаган бу соз ғипчак деб аталган. Фаробий ана шу мусиқа асбобида куйни жуда маҳорат билан чаларди. Таниқли шарқшунос олим Беляевнинг фикрича, торли асбоблар ташқи кўриниши билан камон шаклига яқин турган, танаси ва дастаси эгилган бўлиб, уларга торлар тортилар эди. Ана шундай дастлабки чолғуларда торлар дастадан анча кўтарилиб тортилган, ижро пайтида улар дастага тегмас эди. Торлари баланд тортилган чолғуларга қуидагилар киради. ХУ-кин (хитой) Хур (муғул) Қобуз (қирғиз, қозоқ, ўзбекларда тарқалган) Номлари ҳам турлича бўлган қубус, коус, ховус. Камонли созлар қаторидаги қадимий ғижжакда иккита тор бўлган. 10-11 асрларда унинг номи ребоб дейилган. (Европада ребек номи билан танилган) Фаробийнинг ёзишича у ортирилган секундда интервалида созланган. 18-аср машҳур созандаси ва олими Дарвеш Али “Рисолай-мусиқи” асарида ғижжак чолғуси султон Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) даврида яратилганини таъкидлайди. Ривоятларга асосланиб ғижжакнинг ихтироиси Носир Хисрав ва қомусий олим Абу Али ибн Сино деб тахмин қилинади. Мусиқашунос олим О. Матёкубовнинг

ёзишича ибн Синонинг севимли асбоби ғижжак бўлган экан. У ғижжакни одам овозига энг яқин турадиган табиий ва қойилмақом чолғу асбоби деб билган .

Пропесор Ф.Кароматовнинг “Узбекская инструментальная музыка” (Ташкент 1972й 110-112 бетлар) китобида қимматли тарихий маълумот келтирилган. Бобурнинг таъкидлашича ўз даврининг машҳур созандаси Қул Мухаммад Удий ғижжакка учинчи тор тортган. Аммо шундан кейин ҳам икки торли ғижжак билан баробар қўлланиб келинган. Ўз-ўзидан равшанки учунчи тор туфайли ғижжакнинг товуши ҳажми анча кенгайтирилган. Уч торли ғижжак Навоий даврида ҳам кенг тарқалган. Бобурнинг Навоийнинг мусиқа соҳасидаги ижоди ҳақидаги қимматли маълумотидан у яхши нақш ва пешравлар яратилганини биламиз .Навоий кўпгина чолғуларда яхшигина куйлар ижро этган., ғижжакни ҳам маҳорат билан чалган. Буюк шоир ўзининг “Махбуб-ул-қулуб” асарида мутриб ва муганийлар тўғрисида сўзлаб ,уларнинг ижрочилик маҳоратига, мусиқани чукур ҳис қилишига юксак баҳо берган.Ўз замонасининг машҳур машшоқлари Шиблий ва Нурийларнинг номларини самимият тилга олган. Дарвиш Алиниң мусиқа ҳақидаги рисоласида ҳам моҳир созанда ва хонандаларнинг номлари кўплаб учрайди.

Устоз ғижжакчи Зайтун Аҳмадхон замонасида ижод қилган ва подшохнинг марҳаматига сазовор бўлгани қайд этилган. У ҳар-хил мақомларда пешравлар яратган Айниқса Ҳусайний мақомининг нағмасида тузган пешрави кўпчиликни ҳаяжонлантирган. Умуман олганда ғижжак чолғуси Ўрта Осиёда кашф этилди, такомиллашиб борди. Ҳозирги кунда ҳам унинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

### **Фойдаланган адабиётлар**

- 1 Т. Ғофурбеков “Фольклёрные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. Ташкент. 1984.
- 2 Дарвеш Али “Рисолаи мусиқи” асари.
- 3.Ф Караматов “Узбекская инструментальная музыка” Ташкент 1972.